



XASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 14-APREL, PAYSHANBA, 15 (647)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

O'zLiDeP:

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДАГИ ШАХДАМ ҚАДАМЛАР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар, бунёдкорлик жараёнлари, халқимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ижобий ўзгаришлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи сиёсий партиялардан ҳам замон талабларига мос тарзда фаолият кўрсатишни тақозо этмоқда. Негаки, бутун дунё аҳлини ўйлантираётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бизнинг юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида барқарор ривожланиш босқичларига эришилгани айни ҳақиқат ва бундай муваффақиятлар мазмун-моҳиятини, унинг туб сабабларини англашга интилиш жаҳондаги қўллаб-қувватловчи тутақчиларни қизиқтираётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг жорий Ҳаракат дастурида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мулкдорлар синфини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, хусусан, ёшларни соҳага кенг жалб этишга доир масалалар ўз аксини топган. Бунда партиянинг устувор вазифаларини тизимли лойиҳалар орқали амалга ошириш кўзда тутилган.

Жумладан, **иқтисодий соҳада** демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш соҳасидаги ишларимиз Юртбошимизнинг O'zLiDeP VII Съезидаги маърузаларида қайд этилган устувор вазифалар асосида белгиланди ва

бу борада 8 та кенг қамровли партиявий лойиҳа амалга оширилди. Хусусан, қонунчилик базасини янада такомиллаштириш мақсадида «Тадбиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда изчил амалга оширилмоқда. Ушбу форум доирасида тадбиркорлик фаолияти, унинг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш билан бевосита ёки билвосита алоқадор 30 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар электротарқатилари иштирокида муҳокама этилди. Ўтказилган 3200 дан ортиқ амалий мулоқот давомида 4 мингдан ортиқ тақдир ва тавсиялар билдирилди, ундан 650 га яқини бевосита қонунчиликни такомиллаштиришга оид эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

4 →

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Таъсирчан идора ва ҳақиқий дарсхона

ИСТИҚЛОЛ йиллари аҳолининг кенг қатламларини қўллаб-қувватлайдиган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. Ушбу жараёнларда ўзини ўзи бошқариш институти — МАҲАЛЛАНING МУҲИМ ЎРНИ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ.



Мавлуда ХОДЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Дарҳақиқат, маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб тизимидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, маҳалла «таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси», «ҳақиқий демократия дарсхонаси»-га айланди. Бинобарин, «маҳалла» тушунчаси Бош қомусимизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги мақоми конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам юртимизда жойларда юзага келадиган турли маса-

лаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мустақил ҳал қилишини таъминловчи ҳуқуқий қарорлар тизимини яратишга ва уларни бошқа соҳалардаги изчил ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳоли бандлигини таъминлаш, муайян ҳудудда касаначиликни йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга муносиб ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида 2013 йилда республикамиз бўйича 5942 та маҳал-

лада «Маслаҳат марказлари» очилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 7062 тага етказилди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш мақсадида мазкур тизим фаолиятига оид айрим қонунларга тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилиши ва бир қатор янги қонунларни ишлаб чиқиш белгиланган эди.

2 →

ИСЛОҲОТ

Маҳалла – демократик бошқарув кўзгуси

2 →

ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА

Ҳаётини масалалар БПТ эътиборида

5 →

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Қутлуғ тўйга муносиб тухфа

6 →



Ўзбекистон банк тизими салоҳиятининг тақдироти

«ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МАРКАЗИДА БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, АСБОВ-УСКУНАЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ «ВАНКЕРО – 2016» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини тубдан ислохот этиш ва янада эркинлаштириш борасида амалга оширилётган изчил ишлар самарасида банкларнинг капиталлашув даражаси юксалиб, инвестицион фаолиги кенгайиб бораётир. Масалан, 2015 йилда банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7,8 триллион сўмга етди. Сўнгги 5 йилда бу кўр-

саткич 2,4 баробар ўсди. Мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилади ва бу умумқабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, ликвидлик даражаси эса энг юқори индикатор кўрсаткичлардан 2 марта кўндир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари А.Ҳайдаров, Банклар ассоциацияси раиси С.Абдуллаев бугунги кунда мамлакатимизда 26 банк ва уларнинг 800 дан ортиқ филиал ва бўлимлари самарали фаолият кўрсатётганини таъкидлади. Сўнгги йилларда ушбу муассасалар томонидан бозор ставкалари бўйича турли депозитлар жорий этилди, пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизими ривожланмоқда.

6 →



Елқин Шамсидинов (ЎзА) олган суратлар

Изланиш, интилиш, ташаббус ва жонқуярлик

Ана шундай фазилатларни ўзида мужассам этган депутатларимиз Навоий вилоятида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, O'zLiDePнинг дастурий максадларини аҳоли қатламлари орасида тарғиб ва ташвиқ қилишда ўрнатилган кўрсаткичларни.

Партиянинг сиёсий платформаси — либерал-демократик кадрларнинг кенг омма онига синдириш, бу борада ҳар томонлама чуқур ўйланган ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш орқали ўз сафини кенгайтириш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, ана шу ғояларни ҳаётга татбиқ этишда фидойилик кўрсатган фаолларни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш ва сайловчилар ишончини қозонганлар зиммасига давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларида вакиллик вазифасини юклаган ҳамда уларнинг фаолиятини бошқариш O'zLiDeP Уставида белгиланган кўрсаткичлардан бири саналади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтганига ҳадемай бир ярим йил тўлади. Хўш, депутатлик мандатини қўлга киритган маслақдошларимиз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда етарли даражада фаолият юритишяптими? Сайловчилар манфаатлари етарли даражада

ҳимоя қилинжяптими? Депутат сафдошларимизнинг партия ҳаётидаги иштироки қандай бўляпти?

Ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Сўҳроб Худоев ҳузурида бўлди.

СЎРОВАР ВА ЭЛ МАНФААТИ

— Халқимиз истиқлолнинг ўтган қисқа даврида ҳеч кимдан, ҳеч бир соҳада кам эмаслигини бутун жаҳонга кўрсата олди, — дейди сўхбатдошимиз. — Бу фикрнинг

тўғрилигини бир ярим йил аввал кўп партиявийлик принциплари асосида очиқ-ошкора ўтказилган сайловларда

кўрсаткичларимиз юксак сиёсий фаоллик намойиш этганида ҳам кўрдик. Энг қувонарлиси, сайловчиларнинг ҳар бири ўз фуқаролик позициясига эга эканлиги амалда яна бир бор ўз исботини топди.

3 →

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН 2016 ЙИЛ 10 МАРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН, СЕНАТ ТОМОНИДАН 31 МАРТДА МАЪҚУЛЛАНГАН ВА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 11 АПРЕЛДА ИМЗОЛАНГАН «ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ РАСМИЙ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН, ЯЪНИ 2016 ЙИЛНИНГ 12 АПРЕЛИДАН ЭЪТИБОРАН КУЧГА КИРДИ.

ҚОНУН 28 МОДДАДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, УНДА МАЗКУР НАЗОРАТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖУДА МУҲИМ БЎЛГАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ, ОБЪЕКТИ, АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ, СУБЪЕКТЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ, ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ НАТИЖАЛАРИ КАБИ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ҚОНУН ҚИЙИЛГАН.

АСОСИЙ МАҚСАДИ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЯҲОНА ВА БИР ТИЗИМГА СОЛИНГАН ЯҲЛИТ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ЯРАТИШДАН ИБОРАТ БЎЛГАН УШБУ ҚОНУННИНГ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ ХУСУСИДА ТАҲРИРИЯТИМИЗГА КЕЧАНИНГ ЎЗИДА ФАОЛ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН БИР НЕЧТА МАҚОЛАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ. АЙНИҚСА, ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ БЎЛИМИ БОШЛИГИ, ЮРИДИК ФАҲЛАР НОМЗОДИ **МИРВАЗАЛ МИРАКУЛОВ**, ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИДАГИ O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ **КЛАРА ЖУМАМУРАТОВА**, **ОЙБЕК ЖУМАЕВ** ВА **ИСЛОМЖОН ЗОКИРОВ**ЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ МУЛОҲАЗАЛАРИ ЯНГИ ҚОНУН ҲАҚИДА ТЎЛИҚ ТАСАВВУР ҲОСИЛ ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

УШБУ МАҚОЛАЛАР БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ КЕЙИНГИ СОНИДА ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	2183,62	1 АКШ доллари	2888,39	1 Ҳитой юани	446,81	1 Польша злотийси	767,80	1 ЕВРО	3286,53
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 12 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.*	1 Англия фунт стерлинги	4081,01	1 Миср фунти	325,27	1 Россия рубли	42,81	1 СДР	4067,84	10 Жапония йени	25,19
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	1 Дания кронаси	443,01	1 Исландия кронаси	25,45	1 Украина гривнаси	112,70	1 Туркия лираси	1014,68	10 Япония йени	267,77
	1 БАА дирҳами	786,47	1 Канада доллари	2224,92	1 Малайзия ринггити	743,66	1 Швейцария франки	3032,75		

Ислоҳот

Кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла – демократик бошқарув кўзгуси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан барча вилоятларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шу муҳим жараёнга Хоразм вилоятида ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти. Эътирофга лойиқ жиҳати, фуқаролар йиғинлари раислари орасида O'zLiDeP аъзолари кўпчиликти ташкил қилади. Улар кўпни кўрган, ҳаётнинг пасту баландларини бошқаларга қараганда яхшироқ биладиган қайвони инсонлардир.

Шомурод ОТАНАЗАРОВ,
Богот туманидаги «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Мен фуқаролар йиғини оқсоқоли сифатидаги фаолиятимни 1997 йилнинг декабрида ҳудуддаги умумтаълим мактаблари билан танишишдан бошлаганим. Шунда мавжуд 7 мактабдан 4 тасида айрим муаммолар борлиги, биттасини иситиш учун кўмир йўқлиги маълум бўлган эди. Зудлик билан мутасаддилар эътиборини шу жиҳатга қаратиб, масалага ижобий ечим топишга эришганим. Йиллар давомида амалга оширилган ишлар ислоҳотлар туфайли айни кунда мазкур мактабларнинг барчаси замонавий биноларда жойлашган, таълимга оид энг сўнгги русумдаги ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Қолаверса, ҳудудимизда қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи қад кўтарди. У ҳозир бир неча йўналишда мутахассислар тайёрламоқда.

Мен аввал тиббиёт институтини, кейин қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртини тугатганман. Шу боис фаолиятим давомида қишлоқда соғлиқни сақлаш ишларини ўрганишга жиддий эътибор қаратдим. Агар ўша пайтлар билан бугунги кунда ишлаб турган 3 та замонавий қишлоқ врачлик пункти фаолиятини солиштирсангиз, осмон билан ерча фарқ борлигини кўрасиз. Бир пайтлари туман тиббиёт бирлашмаси учун орзу бўлган ускуналар бугун ҚВБларимизда ҳам бор.

Албатта, «минг кўшчига — бир бошчи» деганларидек, бу муҳим ишларни мувофиқлаштиришда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сазой-ҳаракати муҳим ўринга эга. O'zLiDeP аъзоси, шу партиядан 28-сонли «Топабозор» округидан туман Кенгаши депутати сифатида ҳам сайловчиларнинг ишончини оқлашга баҳоли қудрат ҳаракат қилаётганман. Қишлоғимиз тадбиркорлари ибратли ишларни амалга ошириш билан биргаликда туман марказида ҳам тадбиркорлик нуқталарини очилган. Ҳамқишлоғимиз Ибодулло Абдуллаев ташкил этган сервис хизмати шохобчаси Богот шаҳарчаси аҳлига беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Навбатдаги сайлов ўтган даврда бажарган ишларимизни сарҳисоб қилиш, ғалвирни сувдан кўтариш ва келгуси вазифаларимизни белгилаб олишга имкон беради.

Назира МАТКАРИМОВА,
Кўшкўлир туманидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Тан олиш керакки, O'zLiDeP халқнинг турли қатламлари орасида ўз мавқени мустаҳкамлаётган партиёга айланмоқда. Бир гал партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат қилиб сайланган

Клара Жумамуратова маҳалламизга келиб, «Назира опа, мени энг ёши улуг онахоннинг олдига олиб борсангиз», деб қолди. Ўйлаб ўтирмасдан у кишини тўқсон ёшга кирган Хуршида момо Тоҳирова хузурига бошладим. Депутатимиз кўп йиллар давлат муассасаларида ишлаган ая билан уч соатча чин дилдан суҳбатлашди. Маҳалла ҳаёти билан боғлиқ бирор масала четда қолмади. Натижа шу бўлдики, тез орада маҳалламизда болалар спорт майдончаси қурилади. Ўн нафардан ортқ касаначига иш ўрни яратилди. Мен эса ҳозир ҳам Хуршида аямиздан йўл-йўриқ, маслаҳат олиб тураман.

Маҳалла раиси учун энг муҳим мезон нима? Бу мен учун шундан иборатки, олайлик, маҳалладаги 781 хонадонга худди ўз уйимга, ўз оиламга қарагандай муносабатда бўламан. Маҳаллада яшайдиган 2862 нафар фуқаронинг барчаси менинг оила аъзоларим. Биз маҳалламизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бўладими, таълим, тарбия, спорт, санъат масалаларим, ёши улуглардан хабар олишми, барчамиз бир тану бир жон бўлиб хал қиламиз.

Иззатбек САФАРБОЕВ,
Шовот туманидаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳаллани демократик бошқарув кўзгуси, дея таърифлагим келади. Масалан, бизнинг йиғин ҳудудида 18 та фермер хўжалиги бор. Яширадиган жойи йўқ: бир неча йиллар аввал айрим фермер хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан у қадар бақувват эмас эди. Кўп тармоқли бўлганлиги, яъни пахта ва ғалладан бошқа тармоқларни ҳам кенг йўлга қўйганлиги туфайли муваффақиятга эриша бошлаган фермерлар кўмаги билан янги иш ўринлари яратилди. Маҳалла тасарруфидида 10 та кўчанинг барчаси ободонлаштирилди. Бунда менинг кўп сонли маслаҳатчиларимнинг ҳам хизмати катта бўлди.

Ҳақиқатан ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яна бир жиддий имтиҳон олдиди туришибди. Бугунги куннинг энг долзарб масалалари билан яшаи, халқимизга хос ҳамжиҳатлик, истиқлол гоёси теваарида жиспслашиш фуқаролар йиғинларининг биринчи даражаси вазифасидир. Шу боис Хоразм вилоятида ҳам бу кампанияга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмақда. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда, биналар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш тадбирларини белгиламоқда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари ўз округларида бу сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этишга тегишли тарзда ҳисса қўшмоқдалар. Бу борада O'zLiDePдан сайланган депутатлар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Вилоятда 10 та шаҳарча, 98 та қишлоқ, 493 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайланади. Навбатдаги сайловларда ҳам халқимиз ўзининг энг муносиб, тажрибали, лидерлик маҳоратида эга ташкилотчилари учун овоз берадилар.

✓ *Маҳалла раиси учун энг муҳим мезон нима? Бу мен учун шундан иборатки, олайлик, маҳалладаги 781 хонадонга худди ўз уйимга, ўз оиламга қарагандай муносабатда бўламан. Маҳаллада яшайдиган 2862 нафар фуқаронинг барчаси менинг оила аъзоларим. Биз маҳалламизда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бўладими, таълим-тарбия, спорт, санъат масалаларим, ёши улуглардан хабар олишми, барчамиз бир тану бир жон бўлиб хал қиламиз.*



Чунки улар оқиллик билан ордидан одамларни эргаштира оладиган, эзгу ишларга даъват этадиган инсонлардир. Янги сайловда ҳам айнан ана шундай олижаноб фазилатли кишиларга ишонч билдирилади.

Бир гал маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кўпни кўрган пир бадавлат отахон келди. Бир пиёла қайноқ чой атрофида самимий суҳбатлашдик. Қишлоқдаги бунёдкорлик ишлари, янги ҳаёт ҳақида фикрлашдик. Суҳбат ниҳоясида отахон «Ҳамма нарса кўзни қувонтиряпти, кўнгилга қувонч бағишлаяпти, яшашга бўлган иштиёқимизга иштиёқ қўшяпти. Фақат бир нарса — бизлар бир пайтлар қурилишига ижозат олиш учун олис жойларга бориб келганимиз, жуда катта миқдордаги маблағ эвазига бунёд этилган маҳаббатли қишлоқ клуби хувиллаб ётгани ҳаммамизни ташвишга соляпти», деб қолдилар. Мен у кишига Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини кўрсатдим. Отахон қувониб кетди. Бир йилдан кейин ўша ажойиб масканни пойтахтдан келган маданият вакиллари билан бирга тантанали равишда очдик. Отахонга сўз берилди. Ушанда меҳнат фахрийси «Бундай озод, обод, тинч, осойишта,

ғўзал мамлакатнинг, ҳар томонлама мазмунли ҳаётнинг қадрига етиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир», дедилар.

Зафарбек ОТАЖОНОВ,
Ҳазорасп туманидаги «Саноат» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Мен аввал ҳам икки марта турли ҳудудларда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаганман. Кейинги галги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ҳамқишлоқларим яна бир марта ишонч билдиришди. Бу ишончни қай даражада оқладим? Бу саволга жавоб ахтарганимда йиғин ҳудудида истиқомат қилаётган 24800 нафар аҳолининг, бир шашар гўдақдан тортиб, юз ёшгача бўлган отахон ва онахонларнинг турмуши тинч, тўкин, томорқа-боғи баракали, чорваси сердаромад, ўзлари ва фарзандлари соғлом, аёллари хотиржам, йўллари равон, кўприклари мустаҳкам эканидан мамнун бўламан.

Фуқаролар йиғини эса ана шу ҳаётбахш ўзгаришларнинг чинакам кўзгуси, юксак мақомга эга ижтимоий институт, кучли фуқаролик жамиятининг ишончли таянчидир. Навбатдаги сайлов ана шу мақомнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Таъсирчан идора ва ҳақиқий дарсхона

С Давом. Бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми қуйидагича баён этилган: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». Ушбу конституциявий қоида янги таҳрирдаги қонунларда янада мукаммалроқ тарзда ифодаланди ва маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

2013 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуллари янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, 500 дан зиёд турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, 100 дан зиёд қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли нормалар борлигини кўришимиз мумкин.

Аниқроқ айтишда бўлса, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг аввалгисидан фарқи қуйидаги жиҳатларда яққол намоён бўлади.

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш, фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқароларни иш билан таъминлаш ҳақидаги нормалар киритилди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқалар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга никоҳ тузиш ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш бўйича норма киритилди.

Иккинчидан, қонуннинг янги таҳрирдаги 16-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда бу борадаги қарорлар алоҳида белгилаб берилди. Хусусан, жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Учинчидан, қонунга киритилган янги — 17-моддани маҳалланинг хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш бўйича берилган ваколатларнинг ижро механизмига биринчи даражада эътибор берилди.

Мазкур йўналишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар йиғини ҳудудида хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Фуқаролар йиғинлари хузурдаги маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчилар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ҳақида маълумотлар беради, фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчиларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашади.

Фуқаролар йиғини комиссиялари фаолиятини ташкил этишда ягона амалиётни таъминлаш ҳамда уларнинг самардорлигини ошириш мақсадида «Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссияси» деб номланган 18-моддада фуқаролар йиғинларида ташкил этилиши лозим бўлган комиссиялар аниқ белгилаб қўйилди.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда ҳам муҳим ўзгариш ва қўшимчалар ўз аксини топди.

Хусусан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иштирокига оид қонунлар назарда тутилган. Чунотчи, мамлакатимизда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, сайловни ўтказиш муддатларини белгилашга маъсул орган сифатида Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши белгиланган. Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига, тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашиларининг депутатлари киритилиши мумкинлиги ўз ифодасини топган.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланадиган номзодларга қўйилган талаблар янада кучайтирилган. Жумладан, йиғин раиси этиб энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва аҳолининг хурматида сазовор бўлган фуқароларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида номзодларга қўйилган қўшимча талаблар белгиланган. Чунотчи, номзодларнинг фуқаролигига қўйилган талаблар, маҳалла ҳудудида сайловга қадар камида 5 йил доимий равишда истиқомат қилиши, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида муайян иш тажрибаси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши кабилар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингта яқин ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётир. Улар илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ижтимоий аҳамиятга моллик 30 дан ортқ вазифаларни бажармоқда. Демак, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколатлари муддати жорий йилнинг май-июнь ойларида тугаши муносабати билан наватдаги сайлов ўтказилиши Сенат Кенгашининг қарори билан белгиланди. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 99 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги қонунлардаги янги нормалар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга, шу жумладан, маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга қаратилгандир.

✓ **O`zLiDePning 107 nafardan iborat navoiylik deputatlari ilgariги чакриқ депутатларининг камчиликларидан тўғри сабоқ чиқара олганликларини уларнинг бугунги кундаги фаолиятларида кузатмоқдамиз. Вилоятда ўзининг ибрати, халқнинг дарди билан яшаши билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган депутатларимиз кўп.**

Депутатлик гуруҳларида

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ, ТАШАББУС ВА ЖОНКУЯРЛИК

Давом. Бошланиш 1-саҳифада

Сайлов натижаларига кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгашида мавжуд 50 та депутатлик ўринининг 17 таси электротартибдор сазовор бўлган сафдошларимизга насиб этди. 89 нафар маслакдошимиз эса Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари депутати деган масъулиятли мақомига муносиб кўрилди.

Сектор мудирининг таъкидлашича, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиб улгурмаган айрим депутатларни ҳисобга олганда, аксарият вакиллари фаолият кўрсатишмоқда. Барча бугундаги депутатларимиз томонидан ўтган йили турли идораларнинг мансабдор шахсларига жами 272 та сўров юборилган фикримиз далилидир. Уларнинг 121 таси амалдаги қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросининг депутатлик назорати тартибидида, 151 таси фуқаролар мурожаатларидаги муаммолар ечими, 82 таси депутатлик гуруҳларидаги эшитувларни ташкил этишга таллуқли масалаларни ўз ичига олган. Бу борада Халқ депутатлари Навоий шаҳар, Кармана, Навбахор, Нурота ва Хатирчи туман Кенгашларидаги О`зЛиДеР депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги ижобий кўрсаткичларни алоҳида қайд этиш жоиз.

Кези келганда, партия вилоят Кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори томонидан Сиёсий ташлиш маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш муастакли институтини Навоий минтақавий филиали ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида депутатларнинг назорат-таҳлил фаолиятига оид билимларини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари ҳамда сессиялар кун тартибига масала киритиш механизмига бағишлаб ташкил этаётган ўқув семинарларининг ҳам долзарб аҳамият касб этаётганини айтиб ўтиш керак.

— Депутатлик мансаб эмас, масъулиятдир, — дейди Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги О`зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер Мирзаев. — Масъулият бўлганда ҳам жуда катта, залворли, айни чоғда шарафли ҳамдир. Гуруҳимиз аъзоларининг ҳар бири ана шундай мақомга муносиб бўлиш, энг асосийси, ишонч билдирган сайловчиларнинг назаридан қолмасликка ҳаракат қилаётир. Дастлабки ютуғимиз шунки, шаҳарнинг қайси хууддада сайловчилар билан учрашув режалаштирилса, унга гуруҳимизнинг барча аъзолари имкон қадар тўлиқ қатнашишига эришидик. Электротартибдор билдирилган таклиф, ўринли танқид ва кўтарилган муаммоларни ҳам гуруҳимиз аъзолари ҳамжиҳатлигида ўрганади, муҳокама этади ва мақбул ечим излайди. Ўтган йилда О`зЛиДеР депутатлик гуруҳи вакиллари сайловчилар мурожаатлари бўйича Навоий шаҳридаги турли идораларнинг мансабдор шахсларига жами 89 та депутатлик сўров юбориб, уларнинг деярли барчасига асосланган депутатлик назорат-таҳлил қилинган ҳужжатлар билан олдани ҳам бежиз эмас. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишларига киритилган 4 та таклиф бўйича ҳам қарорлар қабул қилинишига эришидик. Шунингдек, сессиялар муҳокамаига иккита масала киритилди.

— Бугунги сайловчиларнинг дунёқарши кенгайиб, интеллектуал салоҳияти, ижтимоий-сиёсий билим даражаси ошаётгани, ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаатлари билан уйғун ҳолда кўраётгани мени ниҳоятда қувонтиради, — дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О`зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумажид Жўраев. — Масалан, улар билан учрашувларнинг биридан учтутлик оқсоқлар мазкур қишлоқ номи билан боғлиқ, минг йиллик тарихга эга бўлган ва айни кунда қаровисизлик оқибатида нобуд бўлиш хавфи туғилган учта тутни давлат муҳофазасига олишда кўмаклашиш таклифини билдиришди. Ушбу таклиф гуруҳимиз йиғилишида атрофлича ўрганилди. Тутлар атрофини ободонлаштириш, қишлоқ ўтмишидан ҳимоя қилуви тирик экспонатларини тарихий обидаларимиз рўйхати ҳамда вилоят туристик харитасига киритиш бўйича режа ишлаб чиқилди.

Депутат Абдусалим Жалилов тақдим қилган маълумотларга кўра, Қизилтепа туманидаги «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини сайловчилари томонидан кўтарилган масала — озид-оқид хавфсизлигини таъминлаш, хууддаги эллика яқин боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолиятини яхшилаш ҳамда қишлоқ аҳолиси томорчаларида етиштириладиган мева ва узумни қайта ишлаш билан боғлиқ эди. Тегишли ташкилотларга юборилган депутатлик сўрови

ижобий ечим топса, «Қизилтепа шарбати» МЧЖ томонидан қабул қилиниб, қайта ишланган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имкони яратилди. Энг муҳими, қўшимча иш ўринлари ташкил этилади.

ИРМОҚЛАР ҚЎШИЛСА, ДАРЁ БЎЛАДИ

Дарёнинг маҳобат ва салобати ирмоқлар сувининг кўплиги ва жўшқинлиги билан белгиланади. Шу фикрни партия фаолияти билан боғлайдиган бўлсак, О`зЛиДеРнинг «Биргаликда биз кучимиз!» широи кўз олдимизда намоён бўлади. Бош гоё ва мақсадларга етиш учун партия аппарати ходимлари, депутатлар, БПТ етакчилари ва электротартибдор вакиллари бирлашса, бир ёқадан бош чиқариб фаолият юргизса, ҳал қилинган масала, ечимталаб муаммонинг ўзи қолмайди.

— Партиявий фаолиятнинг энг қайноқ нуқтаси бошланғич ташкилот саналади, — дейди О`зЛиДеР Навоий вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Рашид Муҳаммедов. — БПТлар фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, таянч тузилмалар раисларининг фаолигини ошириш, улардаги муаммо ва камчиликларни партиявий воситалар билан ҳал қилиш бўйича О`зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг 2015 йил 26 январдаги кўрсатмаси асосида вилоятимизда ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳар битта БПТга туман (шаҳар) партия бўлими аппарати ходимлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзолари бошланғич ташкилотлар ишчи мувофиқлаштиришга масъул сифатида бириктирилганлиги ишимиз ривожига хизмат қилляпти.

Партия вилоят ташкилоти БПТ билан ишлаш гуруҳи раҳбари Жасур Рустамовнинг таъкидлашича, ташвиқот-тарғибот ишларини уюштириш, қўйи бугунларда ўтказиладиган ўқув семинари, амалий мулоқот, учрашув ва давра суҳбати сингари оммавий-сиёсий тадбирларнинг самарадорлигини оширишда эл назарига тушган ишбилармон, тадбиркор ва фермер депутатларнинг ибрати катта бўлмоқда. Масалан, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ориф Каримовнинг ташаббуси билан О`зЛиДеР Кармана туман Кенгаши хуударида «Еш тадбиркорлар мактаби» очилди. Унинг тингловчилари ва «Муҳаббат боғи» хусусий корхонаси ишчилари ҳисобидан сафдошларимиз сони салкам 50 нафарга кўпайди.

Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгаши депутати Амин Уроқовнинг сазой-ҳаракатлари билан «Усто Қодир» фермер хўжалигида ўн нафар сафдошнинг бирлаштирилган янги БПТ ташкил этилди. Хатирчи туман Кенгаши депутати Замира Маматова ўзига бириктирилган БПТ аъзоларини 10 нафарга кўпайтирди. Навбахорлик депутатимиз Гулшан Олтинова эса ўзи яшаётган Шўртепа қишлоғида ўқув курси очиб, маҳаллий аҳоли орасидан 30 нафар кизни чеварлик-тадбиркорликка бепул ўргатди. Уларнинг 19 нафари аллақачон сафдошга кўшилди. Депутатларимиздан Азим Жўраев «Хончорбоғ» МФЙ хуудидидаги, Баҳоидир Рўзиев эса «Навоий савдо комплекси» АЖДА ташкил этилган БПТда ташвиқот-тарғибот олиб бориб, сафдошларимиз сони кўпайишига муносиб ҳисса қўшапти.

Ўтган 2015 йилда вилоятдаги маслакдошлар сони салкам 3 минг нафарга, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 765 нафардан зиёдга кўпайган экан, буни юқорида айтилган ирмоқларнинг дарёга бирлашишига менгзаш ўринлидир.

ЁНИБ, ЖЎШИБ ЯШАШ КЕРАК

«Депутат томошабин эмас, кузатувчи эмас, депутат бу — халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юрти деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойилик кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамни мен депутат дейман».

Юртбошимизнинг ана шундай ажойиб таърифига муносиб бўлишига интилайётган депутатларимиз партиявий топшириклари бажариш ва жамоатчилик асосидаги назорат-таҳлил ишларида фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилишляпти. Буни биргина жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан ўттизга яқин мансабдор шахс(орган)ларнинг ҳисоботлари назорат-таҳлил



тарзида эшитилганлигида ҳам кўриш мумкин. Эшитувлар мавзуси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ислохотлар самарадорлигини таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш сингари бугуннинг долзарб масалаларига бағишланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

— Депутат ва депутатлик гуруҳининг вазифаси жамиятдаги заиф нуқталарни аниқлаш, аҳолини қийнаётган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, ечимига кўмаклашиш учун тегишли давлат ҳокимияти органларига таклиф ва тавсиялар беришдан иборат, — дейди Халқ депутатлари Нурота туман Кенгашидаги О`зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Аслам Исмолов. — Масалан, тўй-ҳашам ва маъракалардаги дабдабаозлик, ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш масаласини кўтарган сафдошимиз Бахтиёр Ҳайдаровнинг таклифи Ижтимоий-маданий ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссия мажлисида кўриб чиқилди. Йиғилишда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Файзиеваннинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърача ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида туманда олиб борилаётган ишларнинг ишларининг аҳволи» хусусидаги ҳисоботи тингланди. Маслакдошимиз кўтарган масалани ниҳоятда долзарб ва бу борада туманда олиб борилаётган ишларни етарли эмас, деб топган доимий комиссия ушбу масалани навбатдаги сессия кун тартибига олиб чиқиш юзасидан қарор қабул қилди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, аксарият депутатларимиз сайловчилар ишончини қозониб, халқ вакили деган юксак номга муносиб бўлиб олиб боришляпти. Аммо жойлардаги муаммолар, хуудаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлаётган айрим буйруқбозлик ҳолатларини бартараф

қилиш бўйича электротартибдор томонидан билдирилган таклиф-мулоҳазаларни партиявий йўл билан ҳал қилишда О`зЛиДеР маҳаллий Кенгашлари ва БПТлар билан ҳамкорлик масалаларига барча маслакдошларимиз ҳам етарли даражада эътибор қаратляпти, деб бўлмайди. Зотан, ёшларни оилавий ва кичик бизнесга жалб этиш, фермерликнинг асаларчилик, паррандачилик, балкичилик, чорвачилик сингари йўналишларида фаолият бошлашига кўмаклашиш орқали сафдошимизга қўшиб олиш бугун эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар сирасига кирлади.

Хуллас, бугунги шиддаткор замон ҳар биримизни эл иши учун намарбаста бўлишга чорламоқда. Бунинг учун эса ҳар томонлама фаоллик талаб этилади.

Турмуш икир-чикири, ҳаёт қувончу ташвишлари ҳамма вақт бўлади ва уларни



Мажлиси Сенатининг яқинда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда иқтисодийни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар, жумладан, «Парламент назорати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (янги тахрирда) каби қонунлар қабул қилиниб, давлат идоралари ва муассасалари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, Сенатнинг прокуратура органлари фаолиятини назорат қилуви ҳисобидан таркиби тасдиқланди.

Фермер-чорвадорлар вакили сифатида парламент ялпи мажлисида иштирок этар эканман, қалбимда кучли ҳаяжонни ҳис қилдим. Чунки мен ҳам қабул қилинган иштирок этаётган қонунлар, матонат соҳиб бўлган чўноқларимизнинг, миллати, дини, ирки ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, республикада истиқомат қилаётган 32 миллиондан зиёд фуқароларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, оиласи фаровонлигини таъминлаш, меҳнат шaroитларини тубдан ўзгартиришга бевосита дахлдордир.

Бутун республикамизда бўлгани сингари Томдида ҳам истиқлол туғайли кичик бизнес ва социал-иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, қонун устуворлигига асосланган демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг жажон андозаларига мос келадиган норматив-ҳуқуқий базаси яратилган ва у тобора такомиллаштирилипти. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган икки палатали парламент томонидан шиддаткор замонга мос қонунлар қабул қилинаётир. Тезкор ҳаёт талабларига жавоб бермай қолган қонунларимизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун ва қарорларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда эса парламент назорати, сиёсий партияларнинг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятининг самарадорлигини ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий

Хулоса ўрнида

ҳал этишга депутат бош қўшиши керак, албатта. Бирок бугунги депутатнинг вазифаси, энг аввало, хуудларни социал-иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантиришга доир қабул қилинган қарор ва дастурлар самарали бажарилишини таъминлаш билан бирга қонун ижодкорлигини прогностлаш ва режалаштириш жараёнида ҳам фаол катнашишдан иборатдир.

Қонунлар, давлат дастурлари ҳамда хуудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ижроси устидан таъсирчан назорат олиб бориш, партия депутатлик гуруҳига бирлашган ҳолда унинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш учун ушшоқлик билан ҳаракат қилиш депутатнинг энг асосий вазифасидир.

Депутатлик назорати айнан жамоатчилик назорати билан уйғун маъно касб этади. Шу сабабдан, О`зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси партия ҳаётига доир масалалар туртиб, то қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишгача бўлган барча жараёнларда бошланғич

ишончини оқлашдан иборат. Бу борада бутун куч, билим ва имкониятларимизни ишга солаимиз.

РАҲБАРЛАР ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Алишер МИРЗАЕВ, О`зЛиДеР Навоий шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партиявий депутатлик гуруҳи раҳбари:

— О`зЛиДеР Навоий шаҳар Кенгаши таркибига кирувчи 63 та БПТга бирлашган 5109 нафар маслакдош шахримизни обод, турмушимизни фаровон қилиш, юртдошларимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий ҳамда маънавий-маърифий саводхонлигини ошириш йўлида фаолият олиб бормоқда. Биз, аввало, халққа яқин ва асосий ишни бажарувчи бугун — бошланғич партия ташкилотларимиз фаолиятини ривожлантиришга эътибор қаратляпти. Улар орқали хууд ва аҳоли яшаш манзилларидаги муаммолар ўрганилиб, партиянинг юқори органларига олиб чиқилмоқда. Таянч тузилма фаолиятини ташкил этишда уларга доимий равишда бириктириб қўйилган депутатлар яқиндан кўмак берапти. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий тармоқларда кечаётган ислохотлар самарадорлигига оид назорат-таҳлил фаолиятини мунтазам амалга оширишда Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги О`зЛиДеР депутатлик гуруҳининг иштироки самарали бўлаётир.

Депутатларимизнинг БПТлар йиғилишлари ва сайловчилар билан учрашувларида фуқароларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ мурожаатлар кўпайганлиги боис яқинда шаҳар ҳокимлиги хуударидаги Бандликка кўмаклашиш маркази раҳбарларининг ушбу йўналишдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Унда таъкидланишича, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини реконструкция қилиш ва модернизация қилиш вазифага улар қувватларини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича шаҳар дастурида белгиланган параметрлар тўлиқ бажарилиши керак. Соғлом она ва бола йилнинг биринчи чораги давомида шаҳарда зиёд манбалар ҳисобидан 1200 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилиб, бу борадаги режа тўлиқ уудланган. Марказга иш сўраб мурожаат қилган 754 нафар фуқаронинг 675 нафардан зиёди доимий иш билан таъминланган. 9 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, 5 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган ва 4 нафар фуқаро турдош касбларга ўқитилган.

Ҳисоботи тингланган депутатлар шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар, хусусий секторда мавжуд бўш иш ўринларини таҳлил қилиш, ишчи кучига эҳтиёжи бўлган субъектларни аниқлаш, «Бўш иш ўринлари ярмаркаларининг мунтазам ўтказилишини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдиришди.

Саҳифа материалларини «XXI asr» мухбири Мансур АСЛОНОВ тайёрлади.

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Хаётий масалалар БПТ эътиборида

Хамма ҳудудларда бўлганидек, О'зЛиДеР Жиззах вилоят Кенгаши таркибдаги бошланғич партия ташкилотларида ҳам навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари поёнига етмоқда. Мазкур муҳим тадбирларда бошқа масалалар каторида «Ўтган йили электратимиз вакиллари амалий наф келтира олдими?» деган саволга ҳам аниқ жавоблар изланганини таъкидлаш жоиз.

■ Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, «ХХI аср» мухбири

Хар қандай фаолиятнинг самарадорлиги нафақат ба- жарилётган ишлар кўлами ва унда иштирок этаётган кишиларнинг билими ва тажрибасига, балки бугунги кун талабларига ҳамоханг иш олиб борилишига, кам- чилик ва муаммолар хо- лисона таҳлил қилиниши янги гоё ва ташаббуслар инобатга олинган ҳолда истиқболдаги вазифалар белгиланишига ҳам боғлиқ. Шу маънода О'зЛиДеР та- янч тузилмаларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари башарилган ишларга қоникарли ёки қо- никарсиз баҳо бериш би- лангина эмас, балки мазкур жиҳатлари билан ҳам ўзига хо- со аҳамият касб этаётир. Зеро, ана шу омиллар бошланғич ташкилотлар- нинг ижтимоий-сиёсий жа- раёнларда фаол иштирок этувчи, партия Дастури ва Сайловдиги платформаси- да белгилаб берилган вази- фаларни амалга оширишга қодир тузилмалар сифати- даги мавқеини мустаҳкам- лашга хизмат қилаётир.

— Вилоятдаги 503 та таянч тузилмада бўлиб ўтган ушбу муҳим тадбир- лар ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммо



ва камчиликлар ҳам бор- лигини кўрсатди. — дейди О'зЛиДеР Жиззах вилоят Кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Исомиддин Ҳамидов. — Аксарият йиғилишларда маслақдошларимиз жой- ходимлари иштироки таъ- минланишига жиддий на- зардан ўтказдилар. Уларда жамоатчилик вакиллари, айниқса, барча бўғинлар- даги О'зЛиДеР депутатлари ҳамда партиянинг масъул ходимлари иштироки таъ- минланишига жиддий эъ- тибор берилгани қатнаш- чиларнинг ўз саволларига аниқ жавоблар олишига, фикр ва таклифларини ўр- тага ташлашларига имкон берди.

Дарҳақиқат, партиявий сарҳисоб жараёнларида ўз-ўзига нисбатан талаб- чанлик ва ишчанлик руҳи сезилиб турибди. Буни 96 та БПТнинг ҳисобот давридаги фаолияти қоникарсиз, деб топилиб, уларга янги етак- чилар сайланганидан ҳам билиш мумкин.

Таъкидлаш керакки, тадбирлар мониторинги ва етакчилар ҳисоботлари- ни умумлаштириш орқали дастлабки хулосалар чиқа- рилди. — О'зЛиДеР Дўстлик туман Кенгаши таркиби- даги 38 та куйи бўғин 730 нафар маслақдошимизни бирлаштирган, — дейди туман партия ташкило- ти раисининг ўринбосари Фахриддин Ҳусанов. — Ҳи- собот-сайлов йиғилишлари таянч тузилмалар жойлар- даги ижтимоий-сиёсий жа- раёнларда бевосита ишти- рок этаётганини, хусусан, ҳудудлардаги айрим муам- моларни партиявий восита- лар билан бартараф этишга ҳаракат қилаётганини ҳам намоеён этди. Фикрининг исботи сифатида туман тиббиёт бирлашмасида ту- зилган, 50 аъзодан иборат БПТ фаолиятини алоҳи- да қайд этишни истардим. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Исмо- ил Ишмов бириктирилган ушбу куйи бўғин фаоллари ўзаро биргаликда турли хил масалаларни ҳал этишга

эришди. Жумладан, обо- дончилик, маиший хизмат ва транспорт масалаларида йўлланган бир неча депу- татлик сўровларига айнан мазкур БПТнинг таклифла- ри асос бўлди. Муаммолар- нинг ижобий ечими топилга- ни эса электратимизнинг О'зЛиДеРга ишончини яна- да мустаҳкамлаш, партия- миш нуфузини ошириш, са- фимизга янги аъзолар жалб қилинишида муҳим омил бўлаётир.

Ҳамсуҳбатимизнинг гаплари асосли эканига бошқа туманлардаги таянч бўғинларда бўлиб ўтган ҳи- собот-сайлов йиғилишлари- да тилга олинган маълумот- лар ҳам мисол бўла олади. Масалан, АТ «Агробанк»- нинг Форш тумани фили- алидаги 24 нафар маслақ- дошимизни бирлаштирган БПТ аъзолари туман Кен- гаши депутати Карим Их- тиборов билан ҳамкорликда ёрдам сўраб мурожаат қил- ган бир неча коллеж бити- рувчисига кредит маблағла- ри олишга қўмақлашди. Фаоллар саъй-ҳаракати

туфайли ўз бизнесини йўл- га қўйган 6 нафар йигит-қиз эса О'зЛиДеР дастурий го- яларнинг фаол тарғиботчи- ларига, содиқ сафдошимиз- га айланди. — Куйи ташкилотлар ўз фаолиятида депутатла- римизга ҳам таянмоқда, — дейди О'зЛиДеР Зафа- робод туман Кенгаши рай- сининг ўринбосари Шероод Эшатов. — Ўз навбатида, депутатлар ҳам жамоатчи- лик, электратимиз вакил- лари билан яқиндан ҳам- корлик қилиш, уларнинг ўй-ташвишларидан мут- тасил хабардор бўлишда БПТлардан мадад олмақда- лар. Туманимиздаги 23 та таянч нукта 742 нафар саф- дошимизни мувофиқлаштиряпти. Таҳлил- лар шуни кўрсатаптики, куйи бўғин фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳат- дан етакчиларга боғлиқ. Шу боис зиммаларидаги вазифаларга масъулиятсиз- лик билан қараган 8 етакчи ўрнига ташаббускор, фаол партиядошларимиз номзо- длари маъқулланди.

О'зЛиДеР ДАСТУРИДАН

Партия тадбиркорлар эркинликларини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва қафолатлар яратилиши, мазкур қатлам фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил бўлиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларнинг бартараф этилиши тарафдоридир.

Раис қайта сайланди

Маълумки, ҳисобот-сайлов йиғилишлари БПТнинг ўтган даврдаги фаолиятини танқидий нуқтан назардан ўрганиш, хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш йўлларини излаш, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш мақса- дида ташкил этилади. Зеро, бугунги партиявий талаб ҳам куйи бўғин фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзоларнинг сифат таркибини яхшилаш, электротат вакилларининг қўллаб-қувватла- нишини кучайтиришдан иборат. Кармана туманидаги «Зафар Барака» фермер хўжалигида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотининг навбат- даги ҳисобот-сайлов йиғилишини ана шу талабларнинг амалдаги ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Унда кун тартибидан ўрин олган барча масалалар бирма-бир муҳокама қилинди. йўл қўйилган камчиликлар руйи-рост айтилди. Жумладан, тарғибот-ташвиқот тадбирларининг савиясини янада кўтариш, оммабоплигини таъ- минлаш, мулоқотларга обрўли кишиларни таклиф қилиш зарур- лиги таъкидланди. — Куйи ташкилотимиз 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, 15 маслақдошимни бирлаштирган, — дейди БПТ раиси Мухиддин Худойқулов. — Сарҳисоб вазифасини ўтаган, режалар тузилган, турли фикр-мулоҳазалар баён этилган ушбу йиғилишдан ишти- рокчиларнинг ҳаммаси ўзи учун тегишли хулосалар чиқариб олди, деб ўйлайман. Шахсан мен коллеж битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда депутатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш келгусида ҳам устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади, деган фикрдаман. Ҳисобот-сайловда таянч бўғин раиси қайта сайланди. Қўрил- ган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. О'зЛиДеР Навоий вилоят Кенгаши Матбуот хизмати.

Яқдиллик билан маъқулланди

Самарқанд туманида фаолият юритаётган «Истиқлол шўласи» фермер хўжалигидаги бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Хўжалик маъмурий биносида БПТ учун ажратилган кенг ва шинам, партия йиғилишига мос жиҳозланган хонада ўтказилган тадбирда О'зЛиДеР ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари масъул ходимлари, куйи бўғинлар етакчилари, ҚФЙ фаоллари қатнашишди. Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, БПТ етакчиси Бахтиёр Одилов йиғилишнинг ҳисобот даврида таянч тузилма томонидан амалга оширилган ишлар билан таништирди. Жумладан, куйи ташкилот аъзолари йил сайин қўлайб бораётгани, ўтган йилнинг ўзида яна 10 нафар йигит-қиз сиёсий куч сафига қабул қилиниб, БПТ аъзолари 30 нафарга етганини алоҳида қайд этди. Ибратли жиҳати, йўлга қўйилган тизимли гоёвий-сиёсий ишлар туфайли ҳудудда партиянинг нуфузи янада ошиб, либерал гоёлари қўллаб-қувватловчилар сафи янада кўпайган. Шунингдек, БПТ хонаси тўла қайта жиҳозлангани, бу борада куйи бўғин тумандаги намунавий тузилмалардан бирига айлангани эътибор эътилод. — Ҳисобот-сайлов йиғилишида Б.Одиловга ана ишонч билдириб, бир овоздан етакчиликка қайта сайлаганимиз бежиз эмас, — дейди БПТ аъзоларидан бири Нигина Облоқулова. — Унинг ташкилотчилик қобилияти, ишчанлиги, бошқалар ташвишини ўзиникидек қабул қилиш сингари талай фазилатлари ҳаммаси учун намуна бўлапти. Ҳ. мухбири.

О'зЛиДеР Бекобод шаҳар Кенгаши таркибига кирувчи куйи бўғинларда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам «Ўтган даврда бошланғич ташкилот ўз зиммасидаги ишларни қай даражада уддалай олди?» деган асосий саволга жавоб изланиб, фаолиятни янада такомиллаштириш, электротат манфаатларини ифодалаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинаётир.

Янгича ёндашув



Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги партиявий депутатлик гу- руҳлари аъзолари, маҳал- лий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ишби- лармонлар, фермерлар қатнашаётган тадбирларда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ўр- тага ташланган мулоҳазалар, таклифлар ҳам атрофлича кўриб чиқилаётир. «Бекободдемент» АЖ- лари БПТ аҳоли мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эъ- тибор бераётгани диққатга молиқ. Хусусан, ўтган йили «Цементчи», «Истиқлол», «Фарҳод» МФЙлар ҳу- дуддан ўтувчи айланма йўл- ларнинг ахволи ўрганилиб, кўприкнинг таъмирталаб ахволда эканлиги, «Цемент- чи» маҳалласида яшовчилар доим фойдаланадиган ер ости йўлининг куз, қиш ойларида сув билан тўлиб қолиши, ёригуччи чироклар камлиги, шунингдек, «Бир- дамлик» МФЙ ҳудуддаги баъзи хонадонлардан ер ости сувларининг кўтари- лиши ҳолатлари аниқла- ниб, улар юзасидан Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР де- путатлик гуруҳи аъзоларига маълумот берилди. Партия- миш вакиллари йиғилишлар- да тилга олинган масалалар- ни кўриб чиққач, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди. На- тижанда мазкур муаммолар ҳал қилиниши юзасидан муайян ишлар бажарилди. Йўлак шифтлари таъмир- ланди, қўшимча чироклар ўрнатилди, айланма йўл кўпригини реконструкция қилиш ишлари бошланди.

1300 маслақдошдан иборат мазкур куйи бўғин фа- оллари гоёвий таъсир воси- таси — тарғибот-ташвиқот тадбирларини ҳам изчил амалга оширишгапти. Бу жа- раёнда замонавий, интегр- фал усуллар қўлланилишига ҳам алоҳида эътибор кара- тилмоқда. Ҳисобот даврида ўнга яқин учрашув, давра суҳбати, очик мулоқот ва семинар ташкил қилинган бўлса, уларнинг кўпчили- ги ўзаро савол-жавоблар, фикр алмашувлар, кизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Мазкур мулоқотларда нафақат партия фаоллари, депутатлар, маҳаллий бошқарув органлари ва жа- моат ташкилотлари мута- саддилари, балки тингловчи сифатида таклиф этилганлар ҳам сўзга чиқиб, давлатимиз мустақиллиги шарофати би- лан вужудга келган бекиёс имкониятлар, мамлақати- миздаги тинчлик-осойишта- ликни сақлашга барчангич жамоатчилик, О'зЛиДеРнинг тўб ислохотлар қўллаб-қув-

ватланишига йўналтирилган изчил фаолияти, шунингдек, «оммавий маданият»нинг маънавиятимизга салбий таъсири, айрим иллатлар- нинг олдини олиш ва бошқа масалаларга тўхтадилар, жонли, ҳаётий мисоллар келтириб, айрим нуктаи на- зарлар бўйича мунозаралар- га киришдилар. Бундай ян- гича ёндашувлар тадбирлар таъсирчанлиги, самарадор- лиги ошишига хизмат қилга- нини мамнуний билан қайд этиш керак. Шунингдек, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Мул- клор оила», «Диплом билан — бизнест», «Ишбилармон талаба» ва бошқа партия- ларнинг ахволи ўрганилиб, кўриқ-тан- ловларни ҳам таянч тузил- ма фаолиятининг айри ҳолда тасаввур қилиш кийин. — Партия ўз фаолиятини аҳоли ўртасида канчалик жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайлов- чиларимизнинг сиёсий онги ва фаолияти шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгари- шларга ўтказадиган таъсири тобора орта бораверади, — дейди бошланғич ташкилот раиси Насиба Яхяева. — Шу маънода БПТ аъзоларининг сайловчилар, электротат ва- киллари ичига тобора чуқур- рок кириб бораётганикла- ри, одамлар билан юзма-юз бўлиб, ислохотларнинг туб моҳияти ҳақида кенг ту- шунчалар беришаётгани уларнинг ўз зиммаларидаги жавобгарликни теран англаётганликларидан дало- латдир. Мажлисда талаб-эҳтиёж ҳисобга олиниб, АЖ қовчида бошловчи тадбиркорлар учун бепул ўқув курслари ташкил қилиниши лозимлиги ҳақи- да таклиф илгар сурилди. Муҳокамалардан сўнг таклиф маъқулланди, унинг ижроси учун масъуллар тайинланди. Шунингдек, корхона цехла- рида О'зЛиДеР бурчларини ташкил этиш, «Аёллар кано- ти», «Ешлар қаноти», «Тад- биркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш», «Спорт ва экология» йўналишлари бўй- ича партия етакчиларини сай- лаш, уларга фаолиятни йўлга қўйиш учун қўмақлашши ма- салалари ҳам кўриб чиқилди. Йиғилишда бошланғич ташкилот кенгаши таркиби, унинг раиси ва ўринбосари ҳам сайланди. Ҳисобот-сайловнинг маҳаллий ОАВда ёрипилиши эса кўтаришган масалаларга жамоатчилик диққат-эътибо- рини жалб қилиш имконини берди. Дилрабо РАҲМОНОВА, О'зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши масъул ходими.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КУН, ҲАР БИР ДАҚИҚА ЮРТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 25 ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ САНАСИНИ ТОБОРА ЯҚИНЛАШТИРМОҚДА. МОДОМИКИ, БАРЧАМИЗ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРАЁТГАН ЭКАНМИЗ, БУ ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ХОС ТЎЁНА ТАЙЁРЛАШ ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАН.

Қутлуғ тўйга муносиб тухфа



Мустафхон СУЛТОНОВ, O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси

Шу маънода мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, кўҳна воҳа Қашқадарёда ҳам бу тантананага тадбирлари аллақачон бошлаб юборилгани қувонарлидир. Биз ҳам ўз фаолият йўналишимиздан келиб чиққан ҳолда партияимиз электорати манфаатларини ҳимоялашга қаратилган амалий ишлар таъсирчанлигини таъминлаш, аҳоли қатламларининг олиб бориладиган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини қучайтиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратаймиз. Бу борадаги гоявий-сиёсий ишларни янада қучайтириш мақсадида партия фаоллари билимларини мустаҳкамлашга мўлжалланган ўқув семинарлари юксак савияда ташкил этилмоқда. Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқени ошириш йўналишидаги ишлар ҳам жонлан-тирилди. Асосий эътибор маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини қучайтириш, улар билан ишлашни янада такомиллаштириш, депутатлар масъулиятини ошириш, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги тadbирларни талаблар даражасида ўтказишга қаратилган. Ўтган йили «Ёш фермер» кўрик-танловининг

республика босқичи вилоятимизда ташкил этилди. Улар ўзлари бошқараётган хўжаликларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, фаолиятга тўсиқ бўладиган айрим муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш борасида ишлаб чиққан янги лойиҳаларини тақдим этилди. Шу ўринда, мактабнинг мас-у, лекин эришилган баъзи ютуқларини ҳам таъкидлаш лозим: масалан, ўтган йил давомида партияимизга воҳада 2848 нафар аъзо қабул қилиниб, 52 та янги бошланғич ташкилот очилди. Айни пайтда жами 842 та БПТда 17666 нафар аъзо қамраб олинган. 2015 йилда O'zLiDeP вилоят Кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлимига партияимиз электорати ва аҳолидан 24 та мурожаат келиб тушди. Эътиборлиси, молиявий кўмак олиш, фермер хўжалигининг фаолият турини ўзгартириш, ер майдонларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун минитехнология келтириш борасидаги мурожаатларнинг аксарияти партиявий воситалар орқали ҳал этилди. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан озик-овқат саноати йўналишидаги 81 та, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш йўналишидаги 2418 та лойиҳа ижроси бўйича депутатлик назорати олиб бориладиган уларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Вилоятдаги ҳар бир вақилимиз ҳамда депутатларимиз турли таъкидлаш ва қорхона жамоалари билан биргаликда аҳолини ўйлантираётган айрим муаммоларни ўрганиш, уларни партиявий чоралар воситасида бартараф этишга ҳаракат қилишмоқда. Муаммоларни ўрганиш асносида O'zLiDePнинг Сайловолди платформасидаги мақсадлари тарғиб этилиб, сафларимиз ташаббускор инсонлар ҳисобига кенгайтирилди. Бошланғич партия ташкилотларининг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ўрни бекиёслигини ҳисобга олган ҳолда, қўйи бўғинларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирини қучайтириш, уларнинг сифат таркибини яхшилаш, фаолиятини амалий жиҳатдан ташкиллаштиришни кўзда тутиб, етакчилар орасидан кадрлар захирасига муносибларини танлашга эътибор қаратаймиз. Ҳар ойда шаҳар ва туманлардаги қўйи бўғинларда назорат-ҳисобот шаклида йиғилишлар, ўқув семинарлари, амалий машғулотлар ташкил этиляпти. Партияимиз нуфузини янада ошириш, сиёсий сахнадаги мавқени мустаҳкамлаш, сайловчиларга берилган ваъдалар ижросини тўла таъминлаш мақсадида мафкурарий ишларни давр талаблари даражасида ташкил этишга интиляймиз. Депутатлик гуруҳлари ва БПТлар ҳамкорлиги асосида жойларда мавжуд камчиликлар аниқлаиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари қай даражада бажарилаётганлиги назорат қилинаёпти. Ўқув семинарлари давомида депутатлик гуруҳлари

ри томонидан таъсирчан назорат-таҳлил фаолияти олиб бориш, нуқсонларини вақтида бартараф этишда партиявий тажрибалардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар бериб боришмоқда. Сафларимизни O'zLiDeP гуруҳларини яхши англайдиган ва уни электоратга таъсирчан тарзда етказишга қаратилган, ўз оқидан минглаб инсонларни эргаштира оладиган фидойий фаоллар билан тўлдириб мақсадида ҳамжихатлик ва юксак кўтаринкилик билан ишляймиз. Мақсадимиз — халқ ичига чуқурроқ кириб бориб, уларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам бериш, электорат манфаатига бевосита таъсир кўрсатадиган масалаларнинг ижобий ечимини топишга кўмаклашишдан иборат. Бу борада асосан депутатларимиз ташаббускорлиги ва жонқуярлиги таянади. Ана шундангина вилоятимизнинг чекка ҳудудларида яшаётган одамлар ҳам партияимизнинг дастурий мақсадлари, фаолларимиз амалга ошираётган хайрли ишлар ҳақида биладилар, бизга ишондилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Лекин эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолган киши қаттиқ янглишди. Аксинча, айни пайтда сайловчилар ишончини қозониш учун бор куч ва салоҳиятини ишга солиб талаб этилмоқда. Ҳулоса қилиб айтганда, биз ўтган йилги партиявий фаолиятимизни таҳлил қилган ҳолда, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, истиқлолимизнинг 25 йиллик шодибанасини муносиб тухфа ҳозирлаган ҳолда ёруғ юз билан кутиб оламиз.

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

ҚАМРОВ КЕНГАЙИБ, САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятида ҳам ўқув семинарлари ташкил этиб келинаётир. Бундан қўзланган асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти борасида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, банклардан имтиёзли кредит олишга кўмаклашишдан иборат.

Мухаббат РАВШАНОВА, «XXI аср» муҳбири

Шу пайтгача лойиҳа доирасида вилоятдаги 170 дан ортиқ касб-хунар коллежлари, 60 дан зиёд академик лицейларда тадбирлар бўлиб ўтди. Унда 5 мингдан ортиқ талаба ўзининг бизнес-режаси билан қатнашди. Эътиборлиси, 2015 йилда лойиҳада иштирок этган 110 нафар битирувчининг бизнес-режаси учун жами 867 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилган эди. Натияжада 100 га яқин йигит-қиз бандлиги таъминланди. Жорий йилда эса 1 млрд. сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда. Утган йили ушбу лойиҳада голибликни йўлга қиритган пайариқлик Мафтуна Абдувоҳидова банкдан 30 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, савдо хизматини йўлга қўйди. Тайлоқлик Зубайда Ҳасанова ҳам лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этиб, 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига тикувчилик цехи очиб, 10 нафар қизни иш билан таъминлади.

Бизнес-режа асосида иссиқхона ташкил этиб, кўчатлар ва полиз экинлари етиштирмоқчи-ман, — дейди Иштихон туманидаги Баҳрини қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи 3-босқич талабаси Бехзод Исмоилов. — Бозор талабини ўрганиш ҳолда, ушбу йўналишда тадбиркорлик қилишни мақсад қилдим. Биз яшаб турган ҳудуд вилоят марказидан чеккароқда жойлашган. Шу боис қишда туманимиз бозорларига ўзимизнинг полиз маҳсулотларини чиқаришни ният қилдим. Талабалар томонидан тақдим этилган лойиҳалар орасида иқтисодий таъминот бўлиб қолган ҳисса қўшилиши мумкин бўлган бизнес-режаларнинг қўллигини алоҳида эътиборга олиб, савдо хизматини йўлга қўйди. Тайлоқлик Зубайда Ҳасанова ҳам лойиҳанинг вилоят босқичида иштирок этиб, 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит эвазига тикувчилик цехи очиб, 10 нафар қизни иш билан таъминлади.

Та ишлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, асарчилик, паррандачиликни йўлга қўйиш каби йўналишлардаги ишланмалар шулар жумласига киради. — Партия ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш уларнинг бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратиб келмоқда, — дейди O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Фарид Ҳасанов. — Партияимиз дастурида тадбиркорлик фаолиятига кириб келаётган ёшларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб бериш устувор вазифа қилиб белгиланган. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам янги-янги қобилият эгаларини аниқлаб, уларнинг жамиятда маълум бир касбнинг етуқ эгаси бўлиб етишишига туртки бўляпти. Лойиҳа доирасидаги ўқув семинарларида асосий эътибор талабаларнинг билимларини бойитиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш, ҳужжатлар билан ишлаш борасида зарур тавсиялар беришга қаратилганлиги, ёш авлоднинг истиқболли бизнес-режалар ишлаб чиқиши ва уни муваффақиятли амалга оширишида алоҳида аҳамият касб этади.

Муштарак мақсадлар

Андижон вилояти Бўз туманида вилоят Кенгаши депутати, O'zLiDeP туман Кенгаши раиси Баҳодиржон Қодиров ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги коллежида, шунингдек, қурилиш-коммунал хўжалиги касб-хунар коллежида сайловчилар билан учрашув ўтказди. Тадбирда сайловчилар билан биргаликда мазкур таълим даргоҳининг ўқитувчи ва мураббийлари, тадбиркорлик соҳасига қизиқувчи ёшлар, уларнинг ота-оналари иштирок этди. Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтган учрашув партия туман ташкилоти қошидаги «Ёшлар қаноти» клубининг «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси доирасидаги тадбир билан уйғунлашиб кетди. Лойиҳа қатнашчилари орасида иқтисод ва ташаббускорлик борасида етакчи ҳисобланган ёшлар бир маротабалик ютуқли стипендия соҳибларига айландилар.

Ўз муҳбиримиз.

Бахт илдизи Ватанда

Янгиер педагогика коллежида ўтказилган маънавий тадбирнинг асосий мавзуси шундай бўлди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Дилфуза Уралова мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи йўлида олиб бориладиган ислохотлар самаралари, парламент томонидан қабул қилинаётган янги қонуналар ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида талабаларга атрофлича сўзлаб берди. Жонли мулоқот чоғида келажакимиз эгаларига яратиб берилган имконият ва имтиёзлар, давлатимиз томонидан халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш, шунингдек, минтақада тинчлик-барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижалари хусусида сўз юритилди. Ўз навбатида иштирокчи ёшлар Сирдарё вилоятининг барча ҳудудларида бунёд этилаётган янги-янги замонавий саноат қорхоналари, мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган сармоيار, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга йўналтирилган ишлар ҳақида тўққизлиқиб, фахр билан гапирди. — Ватанимиз деган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Янгиер шаҳар Кенгаши раиси Жаҳонгир Шербоев. — Шу давлат, шу жамият менга нима берди, деб эмас, балки мен она Ватанимга таянч, халқимга суянч бўламан, деган ўй-хаёл ва қатъий фикр билан яшашимиз керак. Сабаби ҳар бир инсон фақат ўз юртидагина қадрланади, эътибор топади. Бегона юрт, ёт тупроқ ҳеч қачон инсонга бахт бермайди. Самимий тарзда ўтган мазкур учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди. Шунинг учун ҳам депутат ва ёшлар келгусида бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга келишиб олишди.

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши Матбуот хизмати.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Савол: Қундалик ҳаётимизда кўп ишлатадиганимиз — термометр ҳақида деярли маълумотга эга эмас эканман. Айтинг-чи, у қачон ва ким томонидан ишлаб чиқарилган? А.Раҳмонова (Тошкент шаҳри). Жавоб: Биз фойдаланадиган термометр 1597 йилда Галилей томонидан яратилган бўлиб, унинг дастлабки номи термобароскоп деб юритилган. Бутунги кунда термометрнинг сувоқлик, механик, оптик, электрик, газ ва инфракизил нурланишларни ўлчайдиган турлари мавжуд. Саволга «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат қорхонаси бўлими бошлиғи Суннатилла САИДОВ жавоб берди.

Савол: Мен пенсиядаман. Шу боис асосан уйда қилиб газета ўқийман, телевизор томоша бўлиман. Яқинда кўрсатилган фильми томоша қила туриб, телевизор қачон рангли стандартда яратилган экан, деган савол туғилди менда. Илтимос, газетангиз орқали ана шу саволга жавоб олишимга кўмаклашсангиз. Сизларга ҳурмат билан Боймуродовлар оиласи (Навоий вилояти). Жавоб: NTSC (National Television Standards Committee) телевизион стандарти 1958 йил 18 декабрда АКШда яратилган бўлиб, дунёдаги биринчи рангли аналог телевидение тизими ҳисобланади. Айни пайтда бу стандарт АКШ, Канада, Мексика, Япония, Жанубий Корея, Тайван, Филиппин ва Америка қитъаси мамлакатларида қабул қилинган. Саволга «Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат қорхонаси бўлими бошлиғи Жаҳонгир РОЗИҚОВ жавоб берди.

Ўзбекистон банк тизими салоҳиятининг тақдимоти

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

«BankExpo – 2016» кўргазмасида банк-молия секторидagi янги технология ва хизматларни намойиш этаётган тижорат банклари, етакчи сугурта, лизинг ва инвестиция компаниялари, молия муассасалари учун IT маҳсулотларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган компаниялар иштирок этаётир. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки стенди гавжум. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчилари билан ҳамкорлик қилишга интиляётган мазкур банк мулкчилик шакли ва фаолиятдан қатъи назар, барча хўжалик субъектларини, шунингдек, аҳоли ижтимоий қатламларининг турли талабларига жавоб бериш вазифасини ўз олдига қўймоқда. Кўргазмада банк пластик карталар, лизинг, таълим кредитлари, омонатлар бўйича хизматларни намойиш этмоқда, тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун хорижий линиялар бўйича кредитлар тақлиф қилмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки тижорат банк ҳам жисмоний ва юридик шахсларга кенг турдаги хизматлар тақлиф этаётир. Кўргазмада ушбу молия институти мутахассислари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мавжуд имкониятлар ҳақида сўзлаб бермоқда. «Банк-мижоз», «Корпоратив интернет-банкнинг», «Шахсий кабинет», «SMS-банкнинг», «Мобил банкнинг», «Мобил коммунал инспектор», «Call-марказ» шулар жумласидандир. — Шу ойдан омонат операцияларини амалга оширишда омонатчиларни биометрик идентификациялаш тизимини жорий этдик ва бу аҳоли омонатларини ҳимоя қилишни қафолатлайди, — дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг бўлими бошлиғи Ш.Гултурраев. — Мазкур тизим ҳисобрақам эгасининг иштирокисиз омонат операцияларини амалга оширишни



истисно этади. Кўргазмада тақдим этилган махсус монитор орқали миқозларимиз реал вақт режимда улар омонатлари бўйича амалга ошириладиган операциялар билан танишиши мумкин. Кўргазмада тўққизинчи марта иштирок этаётган «Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки аҳолининг кредитлардан фойдаланиш даражасини ошириш, уларни қайтаришининг турли усулларини тақлиф қилмоқда. Бундан ташқари, банк мамлакатимизга илгор технологияларни жалб этиш, қорхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаси ҳамда дастурларини молиялаштирмоқда. — Биз интерфаол хизматларни омонатлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. — дейди «Алоқабанк» раисининг ўринбосари Х.Раҳматов. — Бугунги кунда хизматларимиз сонини ўндан ошди. Масалан, «CLICK» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда пластик карталар эгаларига турли хизматларни «CLICK» тизими

орқали реал вақт режимда тўла имконияти тақдим этилган. Шу билан бирга, миқозларимизга бандаги ҳисобрақамни мобил телефон орқали масофадан туриб бошқариш хизматини тақлиф этмоқдамиз. Шунингдек, кўргазмада тадбиркорликни, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режасини қўллаб-қувватлашда банклар билан кенг ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл», «Хунарманда» уюшмалари ва бошқа бир қатор ташкилотлар ўз хизматларини намойиш қилмоқда. Сугурта компаниялари ҳам замонавий хизматлар тақлиф этаётир. Кўргазма якунида тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ёш тадбиркорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган танловлар голиблари эълон қилинади. Уларга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилади. М.МАМЕТОВА, Ўза муҳбири.

ЭЪЛОН

УВАЖАЕМЫЕ УЧРЕДИТЕЛИ (УЧАСТНИКИ)!

Совет Фонда поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства сообщает о проведении очередного общего собрания учредителей (участников), которое состоится 3 июня 2016 года в 15.00 в здании Фонда по адресу: г. Ташкент, ул. Г.Гулямя 1. Регистрация участников собрания будет проводиться с 2 июня 2016 года с 14.00 по 18.00 часов по телефону (371) 244-35-29. В день собрания участникам необходимо иметь при себе: — для участника (физического лица) - документ, удостоверяющий личность, или доверенность на представителя от имени участника; — для представителя участника (юридического лица) доверенность от имени юридического лица. За дополнительной информацией просим обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Г.Гулямя 1 или по телефону: (371) 244-35-29. ПОВЕСТКА ДНЯ: 1. Отчет о проделанной работе Фонда поддержки экспорта субъектов малого бизнеса за прошедший период. 2. Избрание членов Совета Фонда поддержки экспорта субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. 3. Обсуждение вопросов по дальнейшему расширению экспортного потенциала субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. Услуги лицензированы. СОВЕТ ФОНДА ПОДДЕРЖКИ ЭКСПОРТА СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

Хали ҳаёт чоғларида отамдан эшитганларимнинг айримларини ўз ҳолича, айнан қозоғга тушириб қўйган эдим. Орадан анча ўтгач, ўқиб қарасам, бу ёзувлар кўзимга тўтидек кўринди.

Темирчи бўлиб пичоқ ясамадим, қурол ясамадим. Ўроғу кашкорд ясадим — одамлар бугдой ўрсин деб. Кетмону бел пешладим — деҳқонлар ариқ қазиб, сув тарасин деб. Кў-ўп капкир ясадим. Яна-чи, асов отларни тақаладим — жониворларнинг туюққиналари озримасин деб.

Қишлоғимиздаги муфти Соли раҳматли бир гапни такрорларди. Одамизодада уч хислат бўлиши — мукамаллик аломати экан.

Булар: нутқи тома, зийнати жома, маъқули омма. Яъники, бу — нутқинг дона-дона, равон бўлсин, чопонинг тоза ва кўримли бўлсин, ўзинг эса ёқимли, маъқул бўл, дегани экан.

— Неъмат, бу, сан гапирган кишилар кўл остингда, жамоангда ишлайдими?
— Ҳа.
— Санга бир гапни айтаман. Эсингда тут. Бошлиқ деган ўз жамоасининг кўрпаси бўлиши

керак. Яхшисини ҳам, ёмонини ҳам кўрпа бўлиб устини ёпсин. Наинки ҳаммага достон қилиб юрса?

Зинҳор гаворани (бешиқни) чақалоқсиз тебратгулик қилмасин экан.

Ҳаво булут бўлса, икки киши гуноҳкор бўларкан. Чунки биттаси: «Ёмғир ёгади» деса, иккинчиси: «Йўқ, ёмғир ёрмайди», дейди. Гумроҳ бандлар-да, «Худо билади», деса-ку бўлади.

Юзма-юз келганда сандан аттайм салом кутган такаббур кишига албатта салом бер, бир еринг камайиб қолмайди.

Жиянларимдан бири уч яшар ўғилчасини белига миндириб олиб уй ўртасида эмаклар юрар, бола қийқариб: «Ишша-ишша... хих!» дер эди. Бу ҳолни кузатиб турган отам мийиқларида кулиб:

— Ўғлингга эшак миншини ўргатяпсанми? — дедилар унга,
— «Ишша... хих!» ни ўргатгунча «Чух» дейишни ўргат, шунда ўзинг ҳам от ўрнига эшак бўлмайсан, ўғлинг ҳам ҳақиқий чавандоз бўлиб етишади.

Эълон

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОРЛАР, АЗИЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР!

Мамлакатимизда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга оид Президентимизнинг фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги «Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари бериш, синовларни ўтказиш, ўлчов воситаларини давлат қиёсовидан ўтказиш ва Халқаро ISO 9001 стандартлари талаб-қондаларини тушунириш, ҳужжатларини тайёрлаш, ишлаб чиқарилаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификатларини олишнинг мақсадида марказимизнинг малакали

мутахассислари, эксперт аудиторлар сизга амалий ёрдам беришади.

Сиз online режимда фаолият юритаётган jizzahssm@exat.uz, http://www.jizzahssm.uz ёки (8372) 226-33-81 рақамли ишонч телефони орқали корхонангизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, синовларни ўтказиш ва халқаро стандартларни тарғиб этиш, шунингдек, сифат менежменти ҳужжатлари тизимларини тайёрлаш, экспорт қилиш учун мувофиқлик сертификатини олиш юзасидан ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ўзстандарт» агентлиги «Жиззах синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси

Манзилимиз: 130100, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, М.Хусайнов кўчаси, 20-А уй.
e-mail: jizzahssm@exat.uz,
http://www.jizzahssm.uz

Тел/факс:
(8372) 226-33-81.

Хизматлар лицензияланган.

ДИҚҚАТ: ОЧИҚ МУЛОҚОТ!

ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, «XXI аср» ижтимоий-сийёсий газетаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Давлат Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва бошқа етакчи тижорат банклари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида

«Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжалиқлари ва кредитлар ажратилиши борасидаги муаммолар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига юқорини яратилиши, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида маълумотлар билан ўртоқлашиш, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлари экспортни бўйича амалий ёрдам кўрсатиш» мавзусида

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ўтказилади!
Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Адлия, Қишлоқ ва сув хўжалиқи вазирликлари, Олий ҳўжалиқ суди, шунингдек, фермер хўжалиқлари ва хўжалиқчилар корхона ва таъшилотлар вакиллари тақлиф этилган.

Юзма-юз мулоқотда бевоқифликни қатъий равишда қизиқтирган ва ўйлантириётган турли саволларга жавоб олишингиз мумкин.

Очиқ мулоқот 2016 йил 15 апрелда «XXI аср» ижтимоий-сийёсий газетаси тахририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 15.00 да ўтказилади.

САВОЛЛАР ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР (998 71) 215-60-45,
ОРҚАЛИ ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА: (998 95) 194-83-95.

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА БАНКЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. БУ БОРАДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҲАМ БИР ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ПУЛ ТўЛОВЛАРИНИНГ ТЕЗКОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА «АСАКА» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИДА КАТТА ТАЖРИБА ТўПЛАНГАН, ДЕСАК АСЛО ХАТО ҚИЛМАЙМИЗ.



Молиявий ҳамкорлик — муваффақият омили



■ **Мусурмон РўЗИЕВ,**
«XXI аср» мухбири


Айниқса, кўрсатилаётган хизмат турлари йилдан йилга кўпайиб, сифати яхшиланиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Аҳолидан ва юридик шахслардан жалб этилган маблағлар асосан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилмоқда.

2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра банк филиали кредит портфели ҳажми 85,4 млрд. сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисmini узок муддатли сармоялар ташкил этади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида ушбу соҳага 24,2 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали уларнинг ижтимоий-сийёсий ҳаётимиздаги фаолигини оширишга эришилмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадлар учун имтиёзли шартларда 3,6 млрд. сўмдан зиёд сармоя ажратилди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларига тўғри келади. Натижанда кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди, юзлаб ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этмоқда. «Асака» банкнинг вилоят филиали жамоаси шуни назарда тутиб, молиявий имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга интиляпти. Ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилмоқда. Бу эса янги-янги ютуқларга йўл очаптир. «Гулбод Боли» фермер хўжалиги



паррандачиликка ихтисослашган. Банк кредити ҳисобига хўжалик ўз қаддини тиклаб олди. Шу ҳисобдан 10 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, тайёрланган туҳум ва пархез гўшт истеъмолчиларга арзон нархларда етказиб берилмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Бунга ўхшаш мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 59,0 млрд. сўм сармоя йўналтириш режалаштирилган.

Баҳриддин ҚОБИЛОВ,

«Гулнор Текстиль Янгнарик» хусусий корхонаси раҳбари:
— Банкларнинг иқтисодиёт қон томирларига қиёсовани бежиз эмас. Чиндан ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат соҳалари тараққиётини уларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Жумладан, «Асака» банк сармоялари ҳам келажак манфаатларига хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2016 йил 1 апрель ҳолатига кўра банк филиали кредит портфели ҳажми 85,4 млрд. сўмдан ошди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисmini узок муддатли сармоялар ташкил этади.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида ушбу соҳага 24,2 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Бугун юртимизда кичик корхона очиб, ўз фаолиятини намунали йўлга қўйган тадбиркорлар кўпчилиги ташкил этади. Чунки бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Президентимиз ва ҳукуматимиз мулкчилик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Тикувчилик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона

наминни ташкил этишга ҳам ана шу эътибор ва рағбат туртки бўлди.

Янги замонавий ускуналар харид қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун «Асака» банкнинг Сурхондарё вилоят филиалига кредит сўраб, мурожаат этгандик. Шу ҳисобдан янги замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Ҳозирда жаҳон стандартларига мос, юқори сифатли тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Энг муҳими, кўшимча 12 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида ўз маҳсулотларимизни хоризжа ҳам экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Шодмон Шоймуродов,

«Баркс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:
— Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан жойларда қурилиш-ободончилик ишлари тобора кенг қўлам касб этмоқда. Бинобарин, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ошиб бораётди. «Асака» банкнинг молиявий қўмаги таяниб, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга бел боғладик.

Бу борада узок муддатли кредит жуда қўл келди. Яъни, хоризждан

кунда нафақат ишлаб чиқариш, балки хизматлар бозорини ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур этиш қийин.

Биз ҳам яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан руҳланиб, ўз хусусий корхонамизни ташкил этидик. Бу борада «Асака» банк филиалининг ёрдами катта бўлди. Зарур ҳужжатларни тайёрлашда бирор-бир қийинчиликка дуч келганимиз йўқ. Лойиҳамиз кечиктирилмай кўриб чиқилди ва талабимиз ўз вақтида қондирилди.

Банқдан олинган кредит ҳисобига полипропилен буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энг муҳими, 4 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозирда корхонамиз цехларида тайёрланаётган хоризжидан асло қолишмайди. Пишиқ, сифатли. Шу туфайли харидорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бундай ютуқларга эришишимизда «Асака» банкнинг молиявий қўмаги катта бўлганлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Зеро, миқдорларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш, кредит қўйилмаларини давр талаблари асосида босқичма-босқич қўлайитиб бориш аҳил жамоанинг эзгу мақсадига айланган. Биз банк ёрдамига таяниб, яқин келажакда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Шерали Алимов,

«Чорбег Қурилиш Инвест» хусусий корхонаси раҳбари:
— Бозор — соғлом рақобат майдони. Иқтисодиётимиз бир меъёрда ривожланиб, бозорларимиз турли хилдаги маҳсулотлар билан бойиб бораётган экан, бу танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигидан далolat беради. Фақат шутгина эмас. Ҳозирги

кунда нафақат ишлаб чиқариш, балки хизматлар бозорини ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур этиш қийин.

Биз ҳам яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан руҳланиб, ўз хусусий корхонамизни ташкил этидик. Бу борада «Асака» банк филиалининг ёрдами катта бўлди. Зарур ҳужжатларни тайёрлашда бирор-бир қийинчиликка дуч келганимиз йўқ. Лойиҳамиз кечиктирилмай кўриб чиқилди ва талабимиз ўз вақтида қондирилди.

Банқдан олинган кредит ҳисобига полипропилен буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Энг муҳими, 4 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозирда корхонамиз цехларида тайёрланаётган хоризжидан асло қолишмайди. Пишиқ, сифатли. Шу туфайли харидорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бундай ютуқларга эришишимизда «Асака» банкнинг молиявий қўмаги катта бўлганлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Зеро, миқдорларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш, кредит қўйилмаларини давр талаблари асосида босқичма-босқич қўлайитиб бориш аҳил жамоанинг эзгу мақсадига айланган. Биз банк ёрдамига таяниб, яқин келажакда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Сурайё Якубова,

«Термиз Фаровон Файз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:
— Термиз саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини тугатганман. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун юртимизда яратилган қулай имкониятлардан руҳланиб, хайрли ишга бел боғладим. Қўпдан бери чорвачилик билан шуғулланишни дилмига тутиб юрардим. Мақсадим ота-онамга ҳам маъқул бўлди. «Асака» банкнинг вилоят филиали бизнес режамини кўриб чиқиб, зарур миқдорда кредит ажратишга қарор қилди. Ушбу маблағ ҳисобидан зотдор қорамоллар сотиб олдик ва 4 та янги иш ўрни яратдик.

Ҳозирда фаолиятимиз босқичма-босқич тақдимоллашмоқда. Ем-хашак захираси етарли. Келгусида сутни қайта ишлаш линиясини олиб келиб ўрнатиш ва эл-юрт дастурхони фаровонлигига янада кўпроқ хисса қўшишни мўлжаллаётимиз. Бунинг натижасида иш ўринлари сони 20 тага кўпаяди. Қўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришда «Асака» банк яқин ҳамкоримиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ўзаро ишончга асосланган ушбу ҳамкорлик ҳар икки томонга яқши иқтисодий самара келтираптир.

Хизматлар лицензияланган.

ASR
ИЖТимоий-Сийёсий Газета
МАРТАЛІК НАШИР
МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

БОШ МУҲАРРИР: Норқобил ЖАЛИЛОВ.
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва тахлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi_asr@mail.uz

«XXI ASR» ижтимоий-сийёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ басмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: S 5673. Тираж: 12967
Бахоси келишилган нархда. Топширилди — 20:00

Тахририятга келган қўйғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
© XXI ASRдан олинган маълумотларда нанба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Марис Юсупов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-477X
Набатчилар:
Б.ИСРОИЛОВ, Ф.НУРАЛИЕВ.
НАШР КўРСАТКИЧИ: 406